291296

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

11 декабрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 251 (1503)

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ





10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Эрдўғон Айтунни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов тили ва дини муштарак икки халқнинг дўстона муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишини қайд этиб, Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги алоқаларни янги асосда ривожлантиришда элчи Эрдўғон Айтуннинг катта ҳиссаси борлигини таъкидлади.

Ўзбекистон давлат раҳбари Туркия элчисининг мамлакатимиздаги элчилик ваколати муддати тугагани муносабати билан унинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилади.

Туркия элчиси Ўзбекистондаги фаолияти унинг ҳаётида энг сермазмун даврлардан бири бўлиб қолганини, кўнглида бу серқуёш ўлка халқига нисбатан туғилган муҳаббат ҳеч қачон сўнмаслигини таъкидлади.

Қабул маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 декабрь куни Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Ван Дакни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги қисқа давр ичида янги шакл ва мазмун касб этгани ҳамда тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, бунда элчи Нгуен Ван Дакнинг алоҳида ҳиссаси борлигини таъкидлади.

-- Ўзбекистонликлар Вьетнам халқини мустақиллик ва эркни юксак даражада қадрловчи иродали халқ сифатида яхши билади, -- деди мамлакатимиз раҳбари. -- Шу йил баҳорда Вьетнамга ташрифимиз чоғида Хо Ши Мин мавзолейини зиёрат этдик. Унинг пештоқидаги «Озодлик ва эрк дунёдаги энг муқаддас туйғудир» деган битик мени беҳад тўлқинлантирди. Зеро, ўз мустақиллигини улуғловчи ўзбек халқи учун ҳам булар энг муқаддас туйғулардир.

Нгуен Ван Дак Ўзбекистондаги элчилик ваколати ниҳоясига етганини маълум қилар экан, бу ердаги фаолияти давомида юртимиздаги улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўлгани ҳамда ватанига энг илиқ туйғулар билан қайтаётганини айтди. Ўзбекистон--Вьетнам алоқалари бундан буён янада равнақ топади, дея умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

*СУРАТЛАРДА: қабул пайти.*

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ, А. ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## ЕХҲТ БЮРОСИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Тошкентда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Марказий Осиё бўйича бюроси янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамда ЕХҲТга аъзо хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари қатнашдилар. Ушбу бино пойтахт марказидаги Пушкин кўчасида жойлашган.

Тантананинг очилишида сўзга чиққан ЕХҲТ Марказий Осиё бўйича бюроси раҳбари Алоис Резник бюро фаолияти учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор бераётган Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, республика ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида

Болали оилаларга ижтимоий ёрдам аниқ берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларни шундай нафақага муҳтож оилаларгагина бериш ва уни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тўлаш тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари)нинг таклифлари қабул қилинсин.

2. Belгилаб қўйилсинки, 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб болали оилаларга нафақалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари -- шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари томонидан тайинланади ҳамда оилаларнинг шундай нафақага муҳтожлиги ҳисобга олинган ҳолда энг оз иш ҳақининг қуйидаги миқдорларида тўланади:

бир нафар болали оилаларга -- 50 фоиз;
икки нафар болали оилаларга -- 100 фоиз;
уч нафар болали оилаларга -- 140 фоиз;
тўрт нафар ва ундан кўпроқ болали оилаларга -- 175 фоиз.

Болали оилаларга нафақа бериш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш чоғида ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай риоя этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш мажбурий шартлар деб ҳисоблансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш барча органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилинсин, уларнинг маблағлари болали муҳтож оилаларга нафақа тўлаш учун сарфлансин.

Шу мақсадда:

Ўзбекистон Республикасининг Халқ банки 1996 йилнинг 31 декабрига қадар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юридик шахс ҳуқуқи билан «Болалар нафақалари» махсус ҳисобварақлари (илова ҳисобварақлари)ни очсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1997 йилги бюджетни белгилаш чоғида ушбу нафақага муҳтож оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда болали оилаларга нафақалар тўлаш учун зарур маблағларни кўзда тутсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, корхоналар ва ташкилотлар, хайрия жамғармалари ҳамда тадбиркорлик тузилмалари мавжуд имкониятларга мувофиқ ўз маблағлари ҳисобидан болали оилаларга ҳар томонлама қўшимча ижтимоий ёрдам берсинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилиб, унда 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби ўрнатилишини кўзда тутсин.

6. Оммавий ахборот воситалари болали оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида тушунтириш ишларини фаол суръатда олиб борсинлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни кенг кўламда хабардор қилиб турсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1383-сон Фармони 1997 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 10 декабрь.

*Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессияси олдидан*

# 1- ДАВЛАТ НОТАРИАЛ ИДОРАСИГА ҲОЖАТ БОРМИКАН?

***Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ҳаётий зарурат сифатида баҳоламоқ лозим. Унинг муҳокама учун ҳавола этилиши эътиборга сазовордир. Лойиҳа билан шу соҳанинг мутахассиси сифатида батафсил танишиб чиқдим. Тан олиб айтиш керакки, мазкур Қонун лойиҳаси бугунги кун талабларига жавоб бера олиши, жаҳон андозаларига тўла мос келиши билан ҳам аҳамиятлидир.***

Бироқ амалиётчи сифатида айрим мулоҳаза ва эътирозларимизни ҳам билдиришни лозим топдик. «Халқ сўзи» газетасининг 26 октябрь сонида эълон қилинган «Биринчи давлат нотариал идоралари: у заруратми?» деб номланган мақолада таъкидланганидек, дарҳақиқат, Қонун лойиҳасининг иккинчи боб, 14-моддасининг иккинчи қисмида: «Тошкент ва Нукус шаҳарларида, вилоят марказларида биринчи давлат нотариал идоралари таъсис этилиб, уларнинг мақоми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади», деб ёзилган. Бизнингча, Қонун лойиҳасидан ана шу моддани чиқариб ташлаш керак. Чунки хоҳ нотариал идора, хоҳ давлат ёки хусусий нотариал идора бўлсин, унда олий юридик маълумотга эга бўлган ҳуқуқшунослар ишлайди. Ва унинг шаклидан қатъий назар, барча нотариал идоралар бир хил юридик мақомга эга (I боб, 2-модда). Модомики шундай экан, табиий равишда шундай идорага ҳожат бормикин, деган савол туғилади. Республика қонунлари, Президент фармонлари жойлардаги нотариалларга одатда вилоят адлия бошқармаси томонидан етказиб берилади. 1-нотариал идорадан нотариуслар фаолиятига доир ҳеч қандай маълумот ёки тушунча олинмайди. Уларнинг ўзлари ҳам янгиликлар билан адлия бошқармаси орқали танишадилар. Лекин шундай бўлса-да, 1-давлат нотариал идораси катта нотариуси барча туман давлат нотариал идораларидаги нотариусларга бошлиқ сифатида «муомала» қилади.

**Д. ТОЖИДДИНОВА, Х. ТОЖИБОЕВА, 2-Наманган шаҳар давлат нотариал идораси нотариуслари.**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида Халқаро инсон ҳуқуқлари қунига бағишланган брифинг бўлди. Унда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича республикамизда фаолият кўрсатаётган ташкилот ва қўмиталар раҳбарлари, Тошкентдаги дипломатия корпуси вакиллари, мамлакатимиздаги халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Брифингни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очар экан, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича мамлакатимизда сўнгги пайтларда қатор ташкилотлар, жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳукуматга қарашли бўлмаган қўмита, қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида республика мониторинг институти ташкил этилгани ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова эса республика парламентида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, халқаро ҳуқуқий ташкилотлар билан ўрнатилган алоқалар хусусида тўхталди.

Шунингдек, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ташкилотлар раҳбарларининг ҳуқуқий билим савиясини ошириш, ишларни эркин фикрлашга ўргатиш масалаларига катта эътибор берилаётгани қайд этилди. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили А. Резник ва бошқа хорижий кузатувчилар юртимизда демократияни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича амалга оширилаётган тадбирлар жаҳон жамоатчилиги томонидан қўллаб-қувватланаётганини таъкидладилар.

Брифингда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Дилбар Ғуломова иштирок этди.

(ЎзА).

### ЛИТВА ПРЕЗИДЕНТИ ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАДИ

*Литва Президенти Альгирдас Бразаускас янги Бош вазир Гедиминас Вагнорюс таклиф қилган ҳукумат таркибини тасдиқловчи фармонга имзо чекди, деб хабар беради Литва радиоси. Ҳукумат таркибига бир қанча партиялар вакиллари кирган. Вагнорюс ҳукумат дастурини парламентга тақдим қилади.*

### ЧЕХЛАР МАМЛАКАТНИНГ НАТОГА АЪЗО БЎЛИШИНИ МАЪҚУЛЛАШМАДИ

*Жамоат фикрини ўрганиш тадқиқот институти ўтказган сўров шуни кўрсатдики, фақат 38 фоиз чехлар мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлишини қўллаб-қувватлашган. 35 фоиз одамлар қарши чиқишган, 40 фоизи эса Чехия НАТОга аъзо бўлган тақдирда чех армиясини маблағ билан таъминлаш катта муаммога айланишини таъкидлашган, деб хабар беради оммавий ахборот воситалари.*

### МОЛДОВА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАЪВАТИ

*Интерфакс ва халқаро агентликларнинг хабарига қараганда, Молдованинг яқинда сайланган Президенти Петр Лучинский Россия қўшинларини мамлакат ҳудудидан тезроқ олиб чиқиб кетилишига даъват қилган. У 1994 йил октябрь ойида имзоланган икки томонлама шартномалар асосида қўшинларини олиб чиқиш муддатига Россия томони қатъий амал қилиши керак, деди. Ҳозир Шарқий Молдовада жойлаштирилган Россия қўшинларининг умумий сони 6 минг 500 нафардан иборат. Бу қўшинлар Молдованинг иродасига қарши ҳолда сақлаб турилмоқда.*

### АРМАНИСТОНДА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИНГ НАРХИ ОШДИ

*Арманистон Бош вазири Армен Саркисяннинг айтишича, ҳукумат январь ойидан бошлаб электр қуввати тарифларини 40 фоизга оширмоқчи. Бу ҳақда Ноян Топан ахборот маҳкамаси хабар тарқатди. Саркисяннинг айтишига қараганда, бундай қарорга шу йилнинг 4 мартида Жаҳон банки билан имзоланган шартномага биноан келинди. Чунки бу шартномада Арманистон Жаҳон банкидан қарз олиши учун электр қуввати нархларини жаҳон нархлари даражасида кўтариши керак.*

### ҚОЗОҒИСТОНДА РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ КЎРСАТУВЛАРИ ТЎХТАТИЛДИ

*Қозоғистон матбуоти ва оммавий ахборот воситалари миллий агентлиги Россия телевидениеси дастурини трансляция қилишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Бунинг асосий сабаби сифатида маблағ етишмаётганлиги кўрсатилган. Россия жамоат телевидениеси дастурини намойиш қилиш эса давом этмоқда.*

*1997 йил -- Инсон манфаатлари йили*

# РАҲБАР -- БАРКАМОЛ ИНСОН ДЕМАК

***Яқинда пойтахтдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг тўрт йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз эришилган ютуқлар қатори кўплаб муаммоларга ҳам тўхталиб, раҳбарлик масъулияти ҳақида қуйидаги таъсирли фикрларни айтди: «Дарҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у амалда тенгдир, шу халқнинг вакилидир. Бизда айрим раҳбарлар мансаб курсисига эришгани ҳамон халқдан ўзини ажратишга уринади. Аслида мансаб халқдан ўзини устун сезиш учун эмас, унга сидқидилдан хизмат қилиш учун берилади. Халқ орасидан ажралиб туришнинг биргина кўринишини оқлаш мумкин. У ҳам бўлса, фидойилик, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш, қаҳрамонликдир». Юртбошимизнинг бу сўзлари ҳар бир кишини ўйлантиради, мушоҳадага ундайди. Зеро, бу сўзларда катта ҳаёт ҳақиқати бор.***

Ҳамма раҳбарлар ҳам, юртбошимиз айтганидай, мансаби билан эмас, фидойилиги, омма билан ҳамнафаслиги, хайрли ишлари билан халқдан ажралиб турса эди, ютуқларимиз салмоғи, халқимиз турмуш фаровонлиги янада ошган, ислоҳот одимлари янада илдамлашган бўларди. Афсуски, айрим раҳбарларда ташаббус, ташкилотчилик етишмайди. Устига устак, лоқайдлик, бепарволик, масъулиятсизлик касалига йўлиқишган. Бу тоифа раҳбарлар шахсий манфаатларини давлат, жамият манфаатларидан устун қўйишга уринадилар, оддий меҳнаткашларнинг аҳволи, турмуш даражаси, даромади уларни қизиқтирмайди. Ваҳоланки, раҳбарлар ўзларини ҳукмдор деб эмас, шу ерда меҳнат қиладиганларнинг ҳаммаслаги, ҳамдарди, суянчиги, йўл бошловчиси деб билмоқлари лозим.

Раҳбар, аввало, одам. Демакки, у одамийлиги, эл-юртга фидойилиги билан жамоага ибрат бўлиши керак. Ахир раҳбарликнинг асосий шарти баркамоллик, мукаммаллик эмасми? У ўз ақл-идроки, салоҳияти билан ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа кўнглида манфаатдорлик ҳиссини уйготсин, турмушни енгилаштирсин, уларни баракали меҳнатга руҳлантирсин.

Шу ўринда мулоҳаза қилиб кўрайлик. Республикамизда ўнлаб вилоятлар, юзлаб туманлар, минглаб хўжалик, корхона ва ташкилотлар, ҳар биринниг ўзига яраша савлат тўкиб юрган раҳбарлари бор. Бироқ бу жамоаларнинг турмуш даражаси ҳар хил. Бири қолоқ, бири илғор. Бу нимадан?

Жавобни ҳаётий мисолардан ахтарайлик. Қашқадарё вилоятида Болта Фозилов номли хўжалик бор. Унга Бозорбой Эшдавлатовни раис қилиб сайлашганида режалар ўлда-жўлда, даромаддан дарак йўқ, қарз устига қарз бўлиб, хўжалик бутунлай ўтириб қолганди. Янги раис хўжалик аъзоларини йиғиб, ишларни ўнглаш учун нима қилиш керак, дея маслаҳат солди. Ҳар ким ўз фикрини, таклифини айтди. Раис жўяли маслаҳатларни инобатга олиб, ишга киришди. Аввал бор имкониятлардан фойдаланиб, зарур техника воситаларини янгилади. Кейин хўжаликда муттасил экиб келинаётган пахта навини шароитга моси билан almаштиришга киришди. Экин майдонларини тартибга келтирди. Ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз вақтида ва оби-тобида бажарилишини йўлга қўйди. Раҳбарнинг ўзи қуйиб-ёниб ишлаётганини кўрган жамоа унга эргашди, елкадош бўлди. Одамлар кўнглига йўл топа олгани кейинги йилиёқ ўз самарасини берди. Пахта тайёрлаш режалари йил сайин ошириб бажарила бошлади. Эришилган ютуқлар меҳнатчиларнинг турмушида сезила борди, манфаатдорлигида акс эта бошлади. Натижада ютуқлар ортаверди. Эл-юрт дуосини олган раис мустақиллигимизнинг беш йиллиги тўйи арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ёки Қуйи Чирчиқ туманидаги шоличиликка ихтисослашган А. Навоий номли ёпиқ турдаги халқ корпорациясини олайлиқ. Агар республикада миллионер хўжалик иккита бўлса, бири шу. Банкдаги ҳисоб рақамида йил-ўн икки ой 30--40 миллион сўм пули узилмай туради. Шоликорларнинг ойлик даромадларини айтмайсизми? Айрим илғор бригадаларда оддий шоликорларнинг йиллик даромадларини ойларга тақсимласангиз, 25--30 минг сўмданга тўғри келади. Кўп хўжаликларда иш ҳақини ўз вақтида бериш мураккаб бўлиб турган бир пайтда бу ерда ҳамма ўз даромадини канда қилмай олаяпти. Умуман, корпорацияда муаммонинг ўзи йўқ. Иш қуроллари, уруғлик, ўғит -- бадастир, у йўқ, бу етишмайди, деган гаплар хўжалик раҳбарлари учун бегона. Ахир бу ҳам халқ корпорацияси раиси Турсунхўжа Искандаровнинг ҳар томонлама салоҳиятли раҳбар эканлигидан далолат эмасми? «Бизда ҳар бир бригада ўзига хос мустақил жамоа, -- дейди раис. -- Ички ишларига аралашмай, фақат техника, ўғит, уруғлик, сув таъминоти билан шуғулланамиз, корпорациянинг истиқболини ўйлаймиз. Ҳосил тақдири ҳақида қайғуриш уларнинг иши».

Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» акционерлик корпорацияси бошқаруви кенгаши раиси Абдуғани Деҳқонбоев ҳам ана шундай иқтидорли, фидойи раҳбарлардан. У ўз манфаатини эмас, хўжаликнинг равнақини ўйлайди. Бу ерда нафақат мулк шакли, балки бошқарув тизими, иш тутими ҳам бутунлай ўзгартирилиб, бозор муносабатлари талабларига мослаштирилган. Ҳар бир пудратчи том маънодаги мулкдорга айланган. Бутун деҳқончилик мавсумидаги сарф-харажатлар (техникани ишлатиш, уруғлик, ўғит ва бошқалар)ни чек дафтарчаси орқали шахсан ижарачининг ўзи олиб бориб, йил охирида корпорация бошқаруви билан ҳисобкитоб қилади, топган соф фойдасининг тегишли қисми нақд ўзиники.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, афсуски, шоли қурмаксиз бўлмайдида. Шундай раҳбарлар борки, мансаб курсисига ўтиргач, буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз лутф қилганларидай, бир ғишт олса, ўрнига ўнни қўйиш, бир туп дарахт кесса, ўрнига ўнни экиш ўрнига аксини қиладилар. Ор-номусни, ҳалолликни йиғиштириб қўйиб, шахсий манфаатларини биринчи ўринга қўйиб, ҳаром-хариж ишларга қўл урадилар. Бундай тоифа раҳбарлар фаолиятига оид мисоллар ҳам оз эмас. Мана, бир мисол. «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг собиқ бош директори Ш. Алимов шу корхонага раҳбар бўлиб келган кунданоқ ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш, малакали тракторсозлар турмушини яхшилаш ҳақида бош қотириш ўрнига корхонада адоват, гина, хусуматга эрк берди, «қора рўйхат» тузди. Кераксиз штат қисқаришлари қилди. Ўзбилармонлик йўлини тутиб, қонунларни писанд қилмай қўйди. Натижада жамоада муҳит бузилди. Ишлар орқага кетди. Тақдир ҳукмининг одиллигини қарангки, ўзиям узоқ ишламади, мансабидан айрилди, обрўсини йўқотди.

«Саллат десанг менда бор, аммо жаҳон менга тор» дегувчи раҳбарларнинг тақдири шундай кечади. Ёмон раҳбарни саҳнадан тушиб кетишга ҳаётнинг ўзи мажбур қилади.

«Яхшининг қадрини халқ билади, халқнинг қадрини мард билади», деган нақл бор халқимизда. Бу бежиз айтилмаган. Шу ўринда Президентимизнинг Конституция кунига бағишланган тантанали йиғилишда айтган яна бир гапини эслатиб ўтиш жоиз: «...агар халқим турмуш даражасининг ўсиши фақат менгагина боғлиқ бўлса, ҳатто жонимни ҳам беришга тайёрман». Бу қуюнид, юракдан айтилган сўзлар ҳаммамизни бирдамликка, баҳамжиҳатликка ундайдиган ниҳоятда ибратли сўзлардир.

Табиийки, юртимизда ўз халқининг қадрига етиб, қадр топаётган мард раҳбарлар ҳам кўп. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан элу юрт бахт-саодати, унинг истиқболи йўлида курашмоқдалар, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шунга яраша иззат-икром ҳам кўряптилар. Эл-юрт ўз навбатида улар билан фахрланаяпти.

Яқинда Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганига тўрт йил тўлиши арафасида бир гуруҳ ватандошларимизга давлатимизнинг юқсак мукофотларини топширди. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганлар орасида «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н. Кучерский, Денов туманидаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги раиси И. Файзуллаев каби раҳбар кадрлар ҳам бор. Улар бундай юқсак унвонга ўз меҳнатлари, фидойиликлари билан эришдилар.

Унутмаслигимиз керакки, зар ботмонлаб эмас, миқоллаб ўлчанади. Юртимиз равнақи йўлида қилинган ҳар бир эзгу иш халқимиз назарида бўлади.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

## УШБУ СОНДА:

2 ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ - ИСТИҚБОЛАН ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ
ФЕРМЕРЛАР НОНИНИ КИМ «ТУЯ» ҚИЛАЯПТИ?
3 НОГИРОНГА ЭТИБОР ШУМИ?
4 ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЁТГАН БИНОНИ ЮРТИ
ТУКАЛМОҚДА СИРЛИ БИР ОҲАНГ

«Халқ сўзи»нинг «Давра суҳбати»

# ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ — ИСТИҚБОЛЛИ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

***Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси — Истиқлол неъматларидан бири. Негаки, бозорни янада ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий таъминланишини мустаҳкамлаш амалдаги қонунларни, уларнинг қўлланиш амалиётини ҳисобга олган ҳолда муттасил тўлдириб боришни, бозор муносабатларининг фаолият соҳасини кенгайтирувчи ва уларни мустаҳкамловчи янги ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишни тақозо қилади. Зеро, бозорнинг муайян тизимга солиниши уни шу тариқа таъминлашнинг энг муҳим шартидир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Фуқаролик кодекси бугунги давр талаб ва эҳтиёжлари фарзандидир. У истиқболли тараққиётимиз асосларидан бири бўлиб қолишига ва келажаги буюк мамлакатимиз манфаатларига хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.***

***Кодекснинг амалиёт билан боғлиқлиги унинг ҳаётийлигини таъминловчи воситадир. Шу туфайли таҳририятимиз бундан кейин мутахассислар билан ҳамкорликда бу ҳуқуқий ҳужжатни кенг кўламда тарғиб қилиш, унинг моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш, аниқроғи, Кодекснинг ҳаётийлигини таъминлаш бўйича мақолалар ёритиб боради. Бугунги «Давра суҳбати»мизда айнан ушбу янги Фуқаролик кодексини яратишда қатнашган бир гуруҳ олимлар иштирок этди. Улар тенг ҳуқуқлилик тамойили, мулк шакли, яъни муайян мулк ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқий ҳолати ва муайян мулк шаклининг мақоми, моддий ва номоддий муносабатлар, бозор муносабатлари шароитида шартномалар ва улар бўйича фуқаролик жавобгарлиги, қарз, кредит, ҳисоб-китоб шартномалари, ворислик ҳуқуқи каби кенг кўламли масалалар бўйича фикр алмашдилар.***

Икром ЗОКИРОВ

Дилором ҚОРАХЎЖАЕВА

Омонбой ОҚИЎЛОВ

Сотиволди БОБОҚУЛОВ

Тамара КОЧЕРГИНА

Фозил ОТАХЎЖАЕВ

**Икром ЗОКИРОВ — Тошкент давлат юридик институти «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси мудири, профессор:** — Маълумки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган Фуқаролик Кодекси 1996 йил 29 августдаги Олий Мажлис қарорига биноан 1997 йилнинг 1 мартидан амалга киритилади. Янги Фуқаролик Кодексининг қабул қилиниши биринчи галда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганлиги ва бозор муносабатларини қарор топтиришни мақсад қилиб қўйганлиги билан боғлиқ. Фуқаролик Кодекси билан тартибга солинадиган муносабатлар доираси жуда кенг, хилма-хил ва кўламли. Айни вақтда унинг вазифалари, мақсади бу кодекснинг бутун мазмунига, моҳиятига сингдирилган қатор тамойилларда яққол ифодасини топган. Мен «Давра суҳбати» иштирокчиларини ушбу тамойилларга қаратмоқчи эдим.

а) фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилидир. Бу принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида ва ФКнинг 1-моддасида ўз ифодасини топган. Фуқаролик қонунларида ушбу конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, барча фуқаролар учун тенг ҳажмда ҳуқуқ лаёқати белгиланган ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати чекланишига йўл қўймаслиги белгилаб қўйилган;

б) барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий томондан баб-баравар муҳофаза қилиниши. Бу принцип Конституциямизнинг 53-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 166-моддасида бевосита мустаҳкамланиб қўйилган;

в) мулкий муносабатларнинг мафкуравий муносабатлардан ажратилганлиги. Ўтмишда иқтисодий, шу жумладан, мулкий муносабатларни тартибга солиш ҳар хил мафкуравий қолиплар ва ақидалардан келиб чиққан эди. Бу эса, юртбошимиз И. А. Каримов таъкидлаганларидек, «Иқтисодий мақбулликдан сиёсий конъюнктуравий манфаатларнинг устун келиши... халқ хўжалигини парокандалик ёқасига, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг жиддий бузилишига, ишлаб чиқаришнинг техника жиҳатдан қолоқлигига олиб келди». Худди шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, деб кўрсатилган ва бу ҳолат янги Фуқаролик Кодексининг бутун мазмунида ўз ифодасини топган;

г) фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари мулкининг дахлсизлиги, шартномаларнинг эркинлиги тамойили. Бу қоида ФКнинг 1-моддасида ўз ифодасини топган. Қонуний асосларга эга бўлмасдан ҳеч ким иштирокчиларнинг хусусий ишларига ўзбошимчалик билан аралашишга ҳақли эмас;

д) фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликсиз амалга оширилиши (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда ҳар қандай тўсиқларнинг бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли;

е) фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларининг тикланиши (ФК нинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқи биринчи навбатда ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг бузилган ҳуқуқларини аввалги ҳолатига қайтарилишига қаратади (мулкни натура ҳолида қайтариш, бузилган шахсий ҳуқуқни тан олиш ва ҳ.к.). Бунинг амалда иложи бўлмаган тақдирдагина иштирокчи талабини қаноатлантиришнинг бошқа усуллари қўлланилади;

ж) фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоясини таъминлаш (ФК нинг 1-моддаси). Иштирокчилар ҳуқуқларини ҳимоя этиш учун махсус орган — суд орқали ўз талабини билдиришга ҳақли ва бу ҳуқуқ кафолатланади;

з) шартномалар эркинлиги (ФК нинг 1-моддаси). Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эркларига мувофиқ эга бўладилар ва ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилашда ҳамда қонунга зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини белгилашда эркиндир;

к) бозор муносабатларига ўтишда муҳим аҳамиятга эга бўлган фуқаролик ҳуқуқининг тамойилларидан яна бири Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлиши (ФК нинг 1-моддаси).

**Дилором ҚОРАХЎЖАЕВА — юридик фанлари номзоди:** — Мулк ҳар қандай жамиятнинг ривожланиши учун зарур бўлган моддий манбадир. Жамиятнинг ижтимоий тизими ҳам мулк орқали белгиланади. Мулкнинг кимга тегишли эканлигига қараб, жамият аъзолари турли гуруҳлардан, табақалардан, синфлардан ташкил топади ҳамда уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий ҳолати (статуси) бир-биридан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси янги Фуқаролик кодексига мувофиқ, мулк хусусий ва оммавий мулк шаклларида бўлади. Мулк шакли — бу муайян мулк ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқи ҳолати ва муайян мулк шаклининг мақоми ўзаро боғланиши демакдир. Бунда асосий белгиловчи омил — мулк ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқий ҳолати ҳисобланади. Мулк ҳуқуқи субъекти якка шахс (алоҳида индивид), бир неча шахслар уюшмаси (жамоа), юридик шахс ёки давлат бўлишига қараб, уларга тегишли мулкнинг мақоми фарқланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 168-моддасига биноан, мулкдор сифатида ёки мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаролар, юридик шахслар ва давлат кўринишида бўлади. Мулкдор ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин. Мулкдор ўзига қарашли молмулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдорнинг зиммасига бошқа шахслар унинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланишга йўл қўйиш вазифаси юкланиши мумкин. Мулкдор Ўзбекистон қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар ва чегараларда ўзига тегишли мулкий ҳуқуқни амалга ошириш пайтида фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида улар билан шартнома тузишга ҳақлидир. Фуқаронинг меҳнатидан фойдаланишга асос бўлган мулкнинг қай шаклда эканидан қатъий назар, фуқарога амалдаги қонунларда кўзда тутилган меҳнат ҳақи бериш ва меҳнат шароитлари яратиш, шунингдек, бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатлар таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида мулкнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқлидир. Бунинг моҳияти шундан иборатки, республикамизда мулкнинг ҳеч бир шакли алоҳида имтиёзли мавқега эга эмас, айни вақтда ҳеч бир шакл бошқасига нисбатан камситилишига йўл қўйилмайди. Мулкнинг барча шаклларининг тенглиги, энг аввало, мулкдор ҳуқуқи бузилганида ҳимоя қилиш усулларини қўлланиши тартибини барча шакллар учун бир хиллигида намоён бўлади. Гайриқонуний равишда бошқа бировнинг эгалигига ўтиб қолган мулкнинг мулкдорга қайтариш тартиби, даъво муддатларини қўллаш, мулкдан ҳақ ундириб олиш сингариларда мулкнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлидир. Барча мулкларнинг эркин рақобати иқтисодиёт ривожланишининг зарур шартидир. Бу эса у ёки бу муайян мулк шаклини етакчи ёки ҳукмрон мавқега эга бўлмаслигини тақозо қилади. Ўтмишда давлат мулкининг имтиёзли мақоми белгиланганлиги сабабли, иқтисодий тараққиётда анча салбий оқибатларни вужудга келтирди. Шу боис ҳам эндиликда барча мулк шакллари тенглиги мустаҳкамланиб қўйилди. Айни пайтда шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, айрим объектларнинг, мулкни фақат муайян шаклга (давлат мулки шаклига) тегишли бўлиши уларнинг тенглигини таъминлашга халақит бермайди. Янги Фуқаролик кодексининг 207-моддасида моддий бойликларни якка тартибда ўзлаштиришнинг шакли сифатида хусусий мулк ҳуқуқи баён этилган.

Хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир. Хусусий мулк мулкдорнинг ишлаб чиқариш жараёнида ва (ёки) ёлланма меҳнатни қўллашда шахсан бевосита иштирок этишга асосланиши мумкин.

Мулк ҳуқуқининг бошқа бир шакли — оммавий ёки давлатга оид мулк ҳуқуқи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулки (муниципал мулк) киради. Давлат мулкини тасарруф этиш ва бошқаришни халқ (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси) номидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ва улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, давлат ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва идоралари органларининг мол-мулки;

республика халқларининг маданий ва тарихий бойликлари;

республика бюджетининг маблағлари, республика ва давлат аҳамиятидаги банклар, суғурта резерв фондлари ва бошқа давлат фондлари;

давлат аҳамиятига молик корхоналар, давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ҳамда давлатнинг республика истиқлолини ва иқтисодий мустақиллигини таъминловчи бошқа мол-мулклари киради.

**Омонбой ОҚИЎЛОВ — юридик фанлари номзоди, доцент:** — Фуқаролик Кодекси билан тартибга солинадиган муносабатлар моддий ёхуд номоддий неъматлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Моддий неъматлар дейилганда турли хил мол-мулк, ашёлар, қимматбаҳо қоғозлар ва шу кабилар тушунилади. Номоддий неъматлар ўз ичига интеллектуал фаолият натижаларини, хизмат ва тижорат сири, шахсий ҳуқуқлар, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ўз ичига олади. Буларнинг барчаси янги Фуқаролик кодексида атрофлича, батафсил ўз ифодасини топган. Бунда мустаҳкамланган нормалар фуқаронинг кундалик турмушидаги турли муносабатларда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини, нуфузини адолатли ва инсофли муҳофаза этишни таъминлайди.

Янги Кодексда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни қўриқлашга алоҳида аҳамият берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Бундай объектларнинг катта қисмини инсон ижодий фаолият маҳсуллари — ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари (булар саноат мулки деб ҳам юритилади) ва фан, адабиёт, санъат асарлари, компьютерлар учун дастурлар (булар муаллифлик ҳуқуқи таъсири доирасида бўлади) ташкил этади. Ижтимоий фаолият маҳсуллари ҳар доим ўзининг янгилиги, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бошқача айтганда, улар ривожланишнинг ҳам моддий, ҳам маънавий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Агар саноат мулки объектлари бизни қуршаган моддий дунёни доимий равишда ўзгартириб, ривожлантириб турган бўлса, фан, адабиёт ва санъат асарлари инсоннинг маънавий камолотини таъминловчи омилдир. Бозор муносабатлари шароитида интеллектуал фаолият натижалари ҳам товар, ўзига хос мулк шаклида бўлади. Мана шундай объектларни яратувчи ижодкорлар улардан ўзлари фойдаланишини, бошқаларга ҳақ эвазига ёки ҳақсиз фойдаланишга рухсат беришга ёки фойдаланишни тақиқлаб қўйишга ҳақли. ФК да бунга имконият яратиб беруви ҳуқуқий механизм — мутлақ ҳуқуқлар ўз ифодасини топган. Мутлақ ҳуқуқлар соҳиби ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, амалга оширишнинг юридик кафолатлари илк маротаба бизнинг қонунларимизда мустаҳкамланиб қўйилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир фуқаро, юридик шахс ўз қиёфасига, ўз номига эга. Бу унинг индивидуаллаштирувчи белгиси ҳисобланади. Ҳар қандай истеъмолчи, ҳар қандай буюртмачи, харидор маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчининг кимлигига асло бефарқ бўлмайди. Шу сабабли ҳам кескин рақобат қураши шароитида ишлаб чиқарувчилар ўртасида харидор-буюртмачини ким кўпроқ ром этиши учун мусобақа кетади. Бундай шароитда харидор, буюртмачи маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни чалкаштирмаслиги, маҳсулотларни ҳам бир-биридан фарқлаши лозим. ФК да назарда тутилган юридик шахсларнинг алоҳида белгилари (индивидуал хусусиятлари)га бўлган мутлақ ҳуқуқлари айнан шундай муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бошқа бир субъектнинг номини, маҳсулот (хизмат) белгисини ўзлаштириш ва улардан ғараз мақсадларда фойдаланиш ФК да гирром рақобат деб ҳисобланади ва бунинг учун тегишли жавобгарлик белгиланган.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи объектлари сифатида турдош ҳуқуқлар (асарларнинг ижрочилари, саҳналаштирувчилари, эшиттириш ва кўрсатувларни тайёрловчилари ҳуқуқлари), шунингдек, маҳсулотнинг келиб чиқиш жойи номига бўлган ҳуқуқ (масалан, Чуст дўпписи, Самарқанд нони, Тошкент суви ва ҳ.к.) илк маротаба ФК да ўзининг қонуний ифодасини топди. Янги ФК да Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар бўйича кўпгина нормалар янада конкретлаштирилди, уларни амалга ошириш механизми билан таъминланди. Масалан, шаън, қадр-қимматни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, ижод эркинлиги, ахборотларни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.

Бинобарин, янги Қонун инсоннинг ижодий имкониятларини, фуқаролик муносабатлари иштирокчиларининг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг амалий кафолати бўлиб қолиши, шубҳасиз.

**Сотиволди БОБОҚУЛОВ — юридик фанлари номзоди:** — Кодексда оммавий шартнома, ташкилот фаолияти хусусиятига ҳара ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга оширилиши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларни бажариш бўйича битим ҳақидаги қоидалар берилган бўлиб, улар чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда ташиш, алоқа хизмати, энергия билан таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва шу каби соҳаларда суиистеъмолликлар, ўзбилармонликларнинг олдини олади.

Оммавий шартномалар тузишда бир шахс бошқа шахсга нисбатан афзал кўрилишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, дастлабки шартнома (аҳднома) бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини олади.

Шартномалар тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

Илгариги кодексда шартномалар планли топшириқларга асосан тузилар эди. Масалан, маҳсулот етказиб бериш, капитал қурилишга оид пудрат шартномаси, бошқа бир қанча шартномалар мўқобил планли мажбурий характерга эга эди. Янгисида эса фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эркларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар, дейилган. Бундай нормаларнинг олдинги Кодексда чегараланганлиги бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бермас эди. Ҳозирда эса улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар. Лекин давлат буюртмасини бажаришда иштирок этувчи корхона, ташкилотлар билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно.

Янги Фуқаролик Кодексида бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантиришга қаратилган янги шартномалар кириб келди. Жумладан, рента, лизинг, корхонани ижарага бериш, корхоналарни сотиш шартномалари, тадбиркорлик лицензия (рухсатнома) комплекси (франчайзинг), оддий ширкат ва бошқалар.

Бозор шароитида ҳар қандай шартнома вазифалари эркин тушунчанинг янги мазмунини акс эттиради. Шартноманинг режа топшириқларини аниқлаштириш, ривожлантириш, тузатиш, ўзгартириш каби нуқсонлари ўтмишда қолди. Ҳозирда шартномалар ўз таснифи, уларнинг шакли, замирида етувчи иқтисодий муносабатлар ривожланишининг ички меъёрлари, қонуниятлари билан белгиланиб боради.

Шартномаларда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг муқобил усуллари мавжуд. Улар: неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ва бошқалар асосида.

Бозор муносабати шароитида шартномаларни бузганлик учун фуқаровий жавобгарлик Фуқаролик Кодексида шундай белгиланган: тарафлар мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли тарафларга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, зарарни аниқлашда мажбурият бажарилиши керак бўлган жойда, қарздор кредиторнинг талабларини ихтиёрий қаноатлантирган кунда, бордию, талаб ихтиёрий қанотлантирилмаган бўлса, даъво қўзғатилган кунда мавжуд бўлган нархлар эътиборга олинади, дейилган.

Фуқаролик кодексида, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади.

Тарафлар мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, айбсиз деб топилади.

Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

**Тамара КОЧЕРГИНА — юридик фанлари номзоди, доцент:** — Қарз, кредит, ҳисоб-китоб шартномалари ҳақидаги қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида ўз аксини янгича тарзда топди. (41, 42, 43, 44, 45-боблар).

Қарз шартномаси кредитга оид мажбуриятнинг ташкил топгани туфайли, ушбу муносабатни тартибга солувчи нормалар эски қонунчиликка нисбатан «Қарз ва кредит» бобида белгиланган. Қарз шартномаси маиший ва тадбиркорлик фаолиятида амалга оширилиши қонуний мустаҳкамланиб, у кредит универсал битимнинг шакли сифатида кўрсатилган. Бундан ташқари, Фуқаролик Кодексининг 739-моддасида қарз шартномасининг янгича тури сифатида аниқ мақсадли қарз шартномаси киритилган. Ушбу моддага биноан, қарз шартномаси қарз олувчининг маблағларидан аниқ мақсадда фойдаланиши шарти билан тузилади. Қарз шартномаси қоидаларига давлат қарзи шартномаси ҳуқуқий нормалари ҳам киритилди (743-модда).

Молия бозорида белгиланадиган узоқ муддатли кредит бўйича алоқалар Фуқаролик Кодексига кредит шартномасининг киритилишига асос бўлди (744-модда). Тарафлар бир тарафнинг кредит шартномаси шартлари асосида турга хос аломатлари билан белгиланган ашёларни (хомашё, уруғ) иккинчи тарафга бериш мажбуриятини назарда тутувчи шартномани тузишлари мумкин (747-модда).

Фуқаролик Кодексига биринчи марта бажарилиши учун пул суммаларини ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган бошқа ашёларни иккинчи тарафга мулк қилиб топшириш тижорат кредити шартномаси асосида амалга оширилади (748-модда).

Фуқаролик Кодексининг 42-бобида пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси киритилди. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришдан, унинг шартларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади. Мижоз эса молия агенти олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам қарздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича молия агентининг мажбуриятлари мижоз учун бухгалтерия ҳисобини юритишни, шунингдек, мижозга бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олиши мумкин (749-модда).

Фуқаролик кодексида биринчи марта банк омонати, банк ҳисоб-ваraги шартномалари, ҳисоб-китоб муносабатлари инструкция, қоидалар билан эмас, балки қонун даражасида тартибга солинадиган бўлди. Ушбу шартномалар банк ва унинг мижозлари ўртасидаги муносабатларни расмийлаштиради. Кодекснинг 44-бобида банк ҳисоб ваraги тўғрисидаги шартномани тузиш ва бажариш қоидаларининг белгиланиши жуда катта аҳамиятга эгадир.

**Фозил ОТАХЎЖАЕВ — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, доцент:** — Кодексда ворислик, мерос масалаларига алоҳида эътибор берилган. Бунинг асосий сабаби шундаки, мулк эгаси ўз мол-мулкини ўзидан кейин фарзандларига, ворисларига ўтиши қонун билан кафолатланган тақдирдагина бу молмулк ҳақида чинакам қайғуради. Кодекснинг 1118-моддасига биноан, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган вақтда мавжуд бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Янги қонунда фарзандларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар, деб белгиланган. Шунингдек, мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра, зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар, деб кўрсатилган.

ФК ворислик асосларига алоҳида эътибор бериб, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади, деб белгилайди.

Васият деб, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги ёзма хоҳиш иродаси тушунилади.

Мулкдор мулкка нисбатан мутлақ ҳуқуқга эга бўлганлиги учун бевосита ўзи тириклик вақтида ўзига тегишли бўлган мулки тақдирини белгилаб бериб, мулкка нисбатан ворисларни аниқлаб кетиши мумкин. Васиятнома шахсан ёзма шаклда тузилиши лозим. Унинг ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган бўлиши шарт.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Қонун бўйича ворислик васияти мавжуд бўлмаса ёхуд бутун меросни тақдирини белгиламаса, шунингдек, қонунда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Янги қонун бўйича ворислар доирасини белгилашда оила манфаатини, унинг аъзолари, никоҳ, қариндошлик, болаларни доимий тартибга солиш асосларига кўра белгиланган.

ФК қонун бўйича бош навбатдаги ворислар доирасини белгилаб беради. ФК нинг 1135-моддасига биноан, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Кодексдаги муҳим боблардан бири меросни эгаллашдир. Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига эга, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳуқуқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Мерос очилган жойдаги нотариус, меросхўрнинг илтимосига кўра, унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади.

Меросни эгаллаш туфайли вужудга келган бошқа ҳуқуқий масалаларга ҳам Кодексда тегишли ўрин берилиб, уларнинг очилиши тўла ҳал қилиб берилган. Масалан, ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

**«Давра суҳбати»ни «Халқ сўзи» ҳуқуқ ва қонунчилик бўлимининг муҳаррири Эсирган БОЛИЕВ ёзиб олди.**

Долзарб мавзу

# ФЕРМЕРЛАР НОНИНИ КИМ «ТУЯ» ҚИЛАЯПТИ?

***Сирдарё вилоятидаги фермерлар билан гаплашсангиз, кўпчилиги ем-хашак танқислигидан нолишади. Шу боис Гулистон ёғ-экстрация заводида хўжалик ва фермерларга ажратилаётган шелуха ва кунжара миқдори билан қизиқдик.***

-- Бундай маълумотларни вилоят прокуратураси, ички ишлар ва солиқ бошқармаси раҳбарларига тақдим қилганмиз, -- деди завод директори Ф. Қулиев. -- Агар сизларга маълумот зарур бўлса, мана буни ола қолинглар, -- деб олдимизга заводда тайёрланган маҳсулотларнинг умумий тоннаси кўрсатилган ҳужжатни қўйди.

Директор билан гапимиз қовушмагач, маҳсулотлар таъминоти бўлимининг бошлиғи Иброҳим Турсунмуродовга учрашдик. У ҳам биз истаган маълумотларни беролмаслиги, бундай ваколат учун эгаллаб турган амали «кичик»лик қилишини айтиб, илтимосимизни рад этди.

Вилоятдаги фермерлар биз билан суҳбатда заводда тайёрланган кунжара ва шелуханинг тенг ярми сувдан иборат эканлигини, кўпинча эса ана шу маҳсулотни ҳам ололмай, оворааю сарсон бўлиб юрганликларини алоҳида уқтиришганди. Буни қарангки, фермерлар нонини «туя» қилиш нафақат ёғ-экстракция корхонаси, балки Гулистон сут заводида ҳам оддий ҳолга айланиб қолган экан.

-- Мен шу йилнинг 4 ноябрь куни сут заводига маҳсулот олиб келдим, -- дейди Гулистон туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги сут-товар фермаси ҳисобчиси Шокир Мирзаев. -- Лаборант Наргиза Ёқубхўжаева сутнинг ёғлилигини 3,5 фоиз деб белгилади. Қайта ўлчаш пайтида эса бу кўрсаткич 3,8 фоиз чиқди. Ёқубхўжаева эса ҳужжатга биринчи рақамни ёзди. Кимга дардингни айтишни билмайсан...

Лаборант билан суҳбат чоғида унга бундай ҳийлани лаборатория мудири Муҳиддин Эшонқулов ўргатганлигини аниқладик. Заводда «билса ҳазил, билмаса чин» тарзидаги кўзбўямачилик анчадан буён давом этиб келар экан. Агар кимки сутнинг ёғлилик даражаси масаласида жанжал кўтарса, Муҳиддин Эшонқулов завод хизматидан фойдалангани учун хазинага 170 сўм тўлатиш билан фермерларни чўчитар экан. Ахир бу кишиларни куппа-кундузи тунаш билан баравар эмасми? Қайси фермер ўз чўнтагидан ҳар куни 170 сўм пул сарфлашга рози бўлади?

...Гулистон туманидаги «Боёвут» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидан бир гуруҳ фермерлар таҳририят номига йўллаган шикоят хатларида озуқа экинлари учун ер майдони кам ажратилганидан арз қилганлар.

-- Биз нима қилайлик ахир, -- дейди туман «Агрохизмат» бирлашмаси раиси Турдиқул Умрзоқов. -- Вилоятдан келган буйруққа бўйсунишга мажбур бўлганмиз. Шу сабабли фермерларга ортиқча ер беролмаймиз.

Бу қанақанги буйруқ бўлди экан, дея Умрзоқов айтган ҳужжатни кўрмоқчи бўлдик. Бироқ у бир соат мобайнида ўша ҳужжатни бизга топиб беролмади.

-- Бирлашмамизда салкам 5 минг киши яшайди. Мен фермерларга яна ер ажратиб берсам, қолганларини қандай боқаман? Ўша шикоят хати ёзганларнинг ҳаммаси бойиб кетган. Шундай бўлса ҳам на йўлга, на сувга пул тўлайди, -- деди «Боёвут» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Эркин Ҳакимов.

Шу ўринда адолат юзасидан бир гапни айтайлик. Уюшма давлатга пилла, ғалла, пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш режасини ошириб бажарган. Эркин Ҳакимов ишнинг кўзини биладиган пухта йигит. Қарангки, хўжаликни мана шундай ютуқларга олиб келган бу иқтидорли раҳбар бугунги кунда фермерларга ўгай кўз билан қараб турибди. Ҳакимов шундай бўлгач, бошқалардан гина қилишга ҳожат қолармикин?

Яхши, уюшманинг ер майдони кам, аҳолиси кўп экан. Хўш, нега унда кичик корхоналар очиш, қишлоққа саноат тизимини олиб кириш, бир сў

*Ислоҳот — амалда*

# ҲАМКОРЛИК – МАҲСУЛОТ СИФАТИГА КАФОЛАТ

## «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси раисининг муовини Ш. Ҳожимуродов билан мулоқот

**— Шуҳрат Муродович, ўзингизга маълум, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида маҳаллий хомашёдан кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш, халқ ҳунармандчилиги анъаналарини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. «Маҳаллий саноат» корпорацияси бу борада бирмунча хайрли ишларни амалга ошираётганлигини эътироф этиш жоиз. Албатта, юқори сифат ва самарадорлик замирида ижодий меҳнат, мулкка янгича ёндашув, шахсий ташаббускорлик каби хислатлар мужассам. Суҳбатимиз аввалида ана шулар ҳақида фикрлашсак, қарши эмасмисиз?**

— Марҳамат. Эсингизда бўлса, республикамиз Президенти тўрт йил муқаддам «...Ўзбекистон билан ҳалол ҳамкорлик қилган инсонлар асло доғда қолмайдилар!» дея таъкидлаган эди. Ҳаёт ушбу башоратнинг тўғрилигини исботлади. Республикамиз билан ҳамкорлик ришталарини боғлаган чет эллик тадбиркорлар чиндан ҳам кам бўлишаётгани йўқ. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфланган сармоя ҳар икки томон учун катта самара келтиришини қўшма корхоналар тажрибаси кўрсатиб турибди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг бизнинг тармоқда ҳам анчагина ташкилий ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Маҳаллий саноат вазирлиги «Маҳаллий саноат» корпорациясига айлантирилди. Тизимдаги мавжуд корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш оммавий тус олди. Бу ишлар осон кўчани йўқ, албатта. Гапнинг очиғи, ўтган давр биз, корпорациячилар, сизнинг иборангиз билан айтганда, косибу ҳунармандлар учун жиддий имтиҳон бўлди.

**— Қайси маънода?**

— Биласиз, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ республика иқтисодиётини четга хомашё сотишдек самарасиз йўналишдан халос этиш, ишлаб чиқариш саноатини жадал ривожлантириш, мулкчилик шакли ва шунга муносиб равишда одамлар психологиясини ўзгартириш долзарб ҳаётий вазифалардан қилиб қўйилган эди. Мулк шаклининг ўзгариши «Маҳаллий саноат» тизимида ҳам эркин тадбиркорликни оммалаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун зарур имконият яратди. Косибу ҳунармандларимиз бугун ўз меҳнатларининг натижасидан тўла баҳраманд. Мавжуд қийинчилик ва муаммоларга қарамай, ўтган беш йил давомида тармоқда сезиларли силжишларга эришилди. Кичик ва хусусий корхоналар сафи кенгайди. Ишлаб чиқарилаётган маҳаллий саноат маҳсулотлари тури кўпайиб, сифати анча яхшиланди, хизмат даражаси ошди. Шуларни ҳисобга олганда, «Маҳаллий саноат» корпорацияси она-Ватанимизнинг жаҳон хўжалик тизимига кириб боришига озмикўпми ҳисса қўшаётганидан мамнунмиз. Бу — биринчиси. Иккинчидан, Ўзбекистоннинг бош табиий заҳиралари, жамиятимизда ҳукм сураётган барқарорлик, тинчлик ва осойишталик боис, кўпгина хорижий тадбиркорлар биз билан иқтисодий алоқалар ўрнатишга, ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилмоқдалар. Шунинг ўзиёқ халқаро миқёсда республикамиз нуфузи нечоғлик ошиб бораётганидан далолат беради.

**— Гапингизга тўла қўшиламан. Ҳамкорлик бобидаги барча ютуқлар, айниқса, хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга юз буриши бу, аввало, мамлакатимиз раҳбарияти ўтказаётган доно ички ва ташқи сиёсат самарасидир...**

— Дарҳақиқат, шундай. «Бизлар бузиш йўлидан эмас, балки тузиш, барпо этиш йўлидан бордик, биз бориши асраб-авайлаш, йўғини яратиш йўлидан бордик», деган эди Президентимиз. Корпорациямиз корхоналарида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнига назар ташлайдиган бўлсак, юқоридаги фикрнинг нақадар ҳаётийлиги ўз-ўзидан ойдинлашади. Айни кунда тармоқда турли мулкчилик шаклидаги 444 та корхона мавжуд бўлиб, улар, асосан, маҳаллий хомашёни қайта ишлашга ихтисослашган. «Маҳаллий саноат» шохобчаларида 70 мингдан зиёд киши меҳнат қилади. Уларнинг куч-ғайрати билан қадимий ҳунармандчилик буюмларидан тортиб, уй-рўзғор анжомларигача — жами 2000 хилдан ортиқроқ кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда.

**— Шуҳрат Муродович, юқорида тармоқ корхоналарида 2 мингдан ортиқ хилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилаётганини таъкидладингиз. Уларнинг миқдори, савдоси ва харидоргирлиги қай тартибда белгиланади?**

— Биз одатда талаб ва таклифни тармоқ дўконлари орқали ўрганамиз. Ана шундай фирма дўконларимиз сони ҳозир 2 мингдан ошди. Бундан ташқари, пойтахтимизда ҳамда вилоят марказларида товар-хомашё биржалари, МДҲ мамлакатлари, жумладан, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонда жами 8 та савдо уйларимиз иш олиб бораяпти. Бозор стратегиясини ўрганишда тез-тез ташкил этиладиган савдо кўргазмалари ҳам бизга кўпгина янги ғоялар беради.

Яна бир гап: корпорация қошида халқ истеъмол моллари-ни сотиш бўйича доимий кўргазма — ярмарка ташкил этилган. Қанча ва қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни ана шу ердаги савдо жараёнига қараб белгилаймиз.

**— Экспорт бозори ҳам бизни қизиқтиради. Ҳозир хорижда қайси маҳсулотларимизга талаб кучли?**

— Корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш, яъни четга сотиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда — бундан хабарингиз бор. Айни кунда тармоқдаги «Тошинтерм» (ўзбек-хитой), «Кумуш» (ўзбек-америка) қўшма корхоналари, «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Файз» ҳиссадорлик жамияти каби 14 корхона ўз маҳсулотини четга чиқараяпти. Экспорт қилинаётган моллар орасида пахта момиғи, тилла ва кумушдан ишланган буюмлар, мебель жиҳозлари, чой ҳамда овқатни иссиқ сақлайдиган термослар, зажигалкалар, ноёб матодан тикилган шимлар ва бошқа маҳсулотлар бор.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига ўтсам. Хорижда қиммат-баҳо металлдан ясалган буюмлар, мебель, термос, пахта момиғига талаб, айниқса, кучли. Бу маҳсулотларни, асосан, Туркия, Италия, АҚШ, Венгрия, Англия, Руминия каби ўндан ортиқ мамлакат харид қилаяпти.

**— Режалар ҳақида ҳам тўхталиш вақти келганга ўхшайди...**

— Тўғри, ҳали қилинган ишлардан қилинмагани кўп. Бир нечта чет эл фирмалари билан яқин келажакдаги режаларни белгилаб олдик. Пахта, тилла ва терини қайта ишлаш, улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ипак тола, заргарлик буюмлари тайёрлаш ва бошқа маҳсулотларга мўлжалланган қўшма корхоналар тузиш юзасидан ўзаро келишувга эришилди. Шунингдек, мармар билан гранитдан ишлаб тайёр моллар, сомондан қоғоз тайёрлаш, оёқ кийимлари ва тикувчилик соҳаси учун фурнитуралар, «Молния» ўтказгичлари ишлаб чиқариш каби йўналишларни ҳам давом эттирамиз.

**Тўлқин МУҲСИН ўғли суҳбатлашди.**

*Ҳамкорлик робиталари: Ўзбекистон — Япония*

# ЯПОН ТИЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТОБОРА ОММАЛАШМОҚДА

***Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимиз билан Япония ўртасидаги иқтисодий, маданий ва маърифий алоқалар ҳар томонлама ривожланиши учун катта имконият пайдо бўлди.***

Албатта, ўзаро манфаатдорлик бундай алоқаларнинг кенг йўлга қўйилишига шароит яратди. Икки мамлакат ўртасидаги ана шундай дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Бугун институт жамоаси билан Япония олий ўқув юртлари кенг ҳамкорликни йўлга қўйган. Институт шу пайтга қадар ўқитувчилар ва талабалар айирбошлаш, биргаликда семинар, симпозиум, конференциялар ташкил этиш ва бошқа соҳалар бўйича Японияниг Хосэй университети, Фукусимо префектурасининг аёллар коллежи, Япон тилини ўрганиш халқаро маркази, Фукуоко умумий педагогика институти билан бу борада бир қанча битимлар имзоланган. Бундан ташқари, Япония Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги япон дипломатияси жамғармаси тил ўргатишни такомиллаштириш мақсадида институтга япон тили ўқитувчиларини жўнатиб турибди.

-- Институтимизда 1990 йилдан буён япон тили ва адабиёти ўргатиб келинади, -- дейди Шарқ филологияси факультети декани, доцент Раҳмонхўжа Иномхўжаев. -- Юртимиз истиқлолга эришгандан сўнг япон тилига қизиқиш янада ортди. 1993 йили факультетимиз қошида япон филологияси кафедраси очилди. Айни пайтда институт бўйича 260 нафар талаба япон тилини ўрганмоқда. Ўтган ўқув йилида илк японшунос қалдирғочлар -- битирувчиларни катта ҳаёт йўлига кузатдик. Бугун япон филологияси бўлими тобора кенгайиб бормоқда. Шу туфайли истиқболда мустақил япон филологияси факультетини ташкил этишни ҳам режалаштирганмиз.

Ҳа, Ўзбекистон--Япония муносабатлари кундан-кунга ривожланаётган экан, мамлакатимизда японшуносларга, Японияда эса Ўзбекистон бўйича мутахассисларга эҳтиёж тобора ортиб бораверади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Тошкент давлат шарқшунослик институтида бу борада қилинаётган ишлар истиқболдаги катта тадбирлар дебочасидир.

**(ЎзА).**



***СУРАТДА:*** ***Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходими Жангар Илёсов ва ТошДУ тарих факультетининг 5-курс талабаси Соунчи Такасахи Далварзинтепа топилмаларини кўздан кечиришяпти.***

**Муҳаммад Амин олган сурат.**

## «КАТЕКС»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

Қорақалпоғистондаги энг йирик тўқимачилик корхоналаридан бири -- «Катекс» ҳиссадорлик жамиятида йигирма турдан зиёд тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Тез орада бу ерда тиббий дока тайёрлаш йўлга қўйилади. Шу мақсадда корхона Миллий банклан 2,5 миллион доллар миқдорида кредит олди.

Янги цех ишга туширилгач, Италия технологияси асосида йилига 13 миллион дона бинт ишлаб чиқарилади.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## «ФАРҒОНА-3» СИРДАРЁГА «КЕЛАДИ»

Андижонликларнинг пахтачиликдаги бу йилги меҳнат ғалабаси ва тажрибаси «қўрик» воҳа деҳқонларини ҳам бениҳоя қизиқтириб қолди. Улар плёнка остига чигит экиш тажрибасини кенг ёйиш билан қифояланмай, уруғлик чигитни ҳам Андижондан келтиришга ҳаракат қилишди.

Келгуси йил кўкламида Мирзачўл воҳасининг ўнлаб хўжаликларида минглаб гектар майдонларга «Фарғона-3» навли чигит экиш мўлжалланмоқда.

**А. ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Мавзуга қайтиб*

# НОГИРОНГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

***Эсингизда бўлса, газетамизнинг шу йил 11 май сонида «Масъулият унутилгач» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилганди. Унда таҳририятимизга республикамизнинг турли бурчакларидан йўлланган арзномалар шарҳланган эди. Мазкур мақола эълон қилингач, кўп вақт ўтмай, мутасадди раҳбарлардан унда келтирилган баъзи шикоятлардаги салбий ҳолатлар бартараф этилганлиги тўғрисида расмий жавоб хатлари олинди.***

Бироқ... яқиндагина таҳририятимизга келиб тушган бир арзнома бизни мавзуга яна бир бор қайта мурожаат қилишга ундади. Мактубни Наманган вилоят Норин туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи ногирон Олимжон Сувоналиев йўллаган. Гап шундаки, унинг илтариги ёзган шикояти юқорида зикр этилган танқидий мақолада тўлалигича босилган эди. Ундан баъзи сатрларни келтирамиз: «... Ҳатто хўжалигимиздан қўшимча ер берилгани йўқ. Чернобиль қатнашчиларига туман ҳокимлиги томонидан ажратилган 100 килограмм буғдойни ҳам хўжалик раҳбарлари беришмади... Туман ижтимоий таъминот бўлимидан берилаётган 300 сўм ёрдам пули ҳалигача етиб келмади. 50 фоиз имтиёз билан берилаётган кўмирни эса 2 йилдан буён олганим йўқ...» («Халқ сўзи», 1996 йил 11 май, 93-сон).

Мазкур арзнома чоп этилганига ҳам, мана, беш ойдан ошди. Хўш, шу муддат мобайнида мавзуга оид ҳокимият ва жамоа хўжалиги раҳбарлари О. Сувоналиев ҳатида кўрсатилган камчиликларни бартараф этдиларми? Афсуски, унинг имзоси билан келган қуйидаги мактуб бунинг аксидан дарак бериб турибди.

*АРЗНОМАДАН: «Сизларга ёрдам сўраб ёзган мактубим тўлиқ эълон қилингач, оилавий шароитим билан танишиш учун туман ҳокимлиги ва жамоа хўжалигидан вакиллар келишган эди. Аммо шундан бери ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Туман ҳокимлиги жамоа хўжалигидан тўланадиган иш ҳақимизни 20 майгача берилсин, хўжалик ҳисобидан 100 килограмм буғдой ажратилсин, деган қарор чиқарди-ю, ҳанузгача пулдан ҳам, буғдойдан ҳам дарак йўқ. Хўжалик раисига бир неча бор ёрдам сўраб бордим -- унамади.*

*Яқинда маҳалламиз газлаштирилди. Аҳолининг қувончига яна бир қувонч қўшилди. Бутун бошли маҳаллада фақат менинг хонадонимга газ қувурлари ўтказилмасдан қолди. Тўғри, мен Чернобиль фожиаси туфайли ногирон бўлиб қолдим, қарамоғимда уч фарзандим бор. Маҳал ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланишнинг ҳам иложи бўлмаяпти. Хўжалик раиси эса, газ қувури ва счётчикдан негадир бизга ажратмади. Мендек бир ногиронга кўрсатилаётган ҳурмат, ҳамҳўрлик шуми?».*

Бундан кўриниб турибдики, мутасадди раҳбарлар муаммони фақатгина қоғозда «ҳал» этиб қўя қолишган-у, шу билан ногирон фуқаронинг қолидан ҳеч ким хабар олмаган. Сир эмаски, жойлардаги баъзи раҳбарлар бирор муаммо ёхуд камчилик газетада кўтариб чиқилса, шундан кейингина гўё бу масала бирдан «ёлларига тушиб» қолади-ю, йиллар давомида бефарқ қараб келинаётган юмушга қўл урадилар. Фуқаро О. Сувоналиевнинг шикояти чоп этилган бўлса-да, унинг аҳволи яхшиланмаётганлиги, аксинча, хўжалик раиси «мана сенга» дегандек, қувур ва счётчик ажратмагани эса янада ачинарли ҳол.

*АРЗНОМАДАН: «Бир фарзандим 9-синфни битириб, «Иқтидорли болалар» лицейига кирган эди. Орадан 6 ой ўтгач, соғлом болани «касал» деб ҳайдаб юборишди. Нега бундай қилишганини ҳеч тушунолмаяпман. Ҳозир у яна мактабда ўқишини давом эттираяпти. (Агар ростдан ҳам бетоб бўлганида яна мактабга қатнармиди?) Билимдон, ҳаракатчан эди. Энг ачинарлиси, бу ҳол унга руҳан ёмон таъсир қилди. Ёрдам беринг...»*

Президентимиз фармонлари ва ҳукумат қарорларида ногиронлар, қаровчисиз қолган кишилар, ёрдамга муҳтож оналар ҳеч нарсага зориқмай, ҳаёт кечиришлари учун улар фойдаланишлари лозим бўлган қатор имтиёзлар қатъий белгилаб қўйилган. Яратилган ана шу имтиёзлардан уларнинг тўлақонли фойдаланишлари эса жойлардаги корхона, ташкилот, хўжаликлар ва туман ҳокимликлари раҳбарларига ҳам боғлиқ, албатта. Бу ҳол улар ўз фаолиятларини амалдаги қонунларга тўла мослаб иш олиб боришларини тақозо этади. Норин тумани мутасаддилари ногиронлар учун ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлардан бехабар кўринади. Ўйлаймизки, ушбу мақоладан туман мутасадди раҳбарлари тегишли хулосалар чиқариб олadилар. Фуқаро О. Сувоналиевнинг эса таҳририятимизга учинчи бор қайта шикоят ёзишига ҳожат қолмайди, деб ўйлаймиз.

**О. ТЎРАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


# YAŞASIN ŌZBEKISTON

## TASHKOCAUTO

**Мустақил, суверен Ўзбекистон бугун ўз автомобиль саноатига, ривожланган автомобиль бозорига, автотранспорт корхоналарининг йирик тармоғига эгадир. Булар давлатнинг иқтисодий фаровонлигининг ўзига хос рамзидир. "ТАШКОЧАВТО" қўшма корхонаси "Ўзавтотранс", "Ўзавтосозлаш", "Ўзавтосаноат", "ЎзДЭУавто" сингари машҳур корхона ва ташкилотлар билан республика автомобиль индустрияси ва транспорти тараққиётига ўзининг муносиб улушини қўшмоқда. Биз бу хайрли ишда иштирок этаётганимиздан фахрланамиз. Ва биз Ўзбекистоннинг ажойиб келажагига ишонамиз.**

"ТАШКОЧАВТО" - бу:

- "ДОГАН", "ФИАТ-ТЕМПРА", "КАРТАЛ" автомобиллари, "ПЕЖО-КАРСАН" микроавтобусларини сотиш ва сервис хизмати кўрсатиш;
- "OPAR" заводларининг эҳтиёт қисмларини, аккумулятор батареяларини сотиш;
- жаҳонга машҳур "GOODYEAR" русумли шиналарни сотиш.

1996 йил 17 декабрда пойтахтнинг Миробод туманида "Автомобиль менинг республикам ҳаётида" деб номланган расмлар танлови бўлиб ўтади, унда ота-онасиз қолган болалар иштирок этади. Танлов ташкилотчиси - Миробод тумани ҳокимлиги. Танлов ҳомийси - "ТАШКОЧАВТО" ҚК.

TOFAŞ GOODYEAR Opar

"ТАШКОЧАВТО": БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИГА ИШОНАМИЗ!

◆ Осиё кубоги ◆

## ИМКОН ҲАЛИ ЙЎҚОТИЛГАНИ ЙЎҚ

Бирлашган Араб Амирликлари мамлакатида ўтказилаётган 11-Осиё кубоги беллашувлари айни авж паллага кирди. Яна бир турдан сўнг гуруҳ баҳслари ниҳоясига етади.

Футболчиларимиз японияликларга қарши иккинчи учрашувда жуда бўш ўйин кўрсатишди. Айниқса, қанотлар бўйича ҳимоя талаб даражасида бўлмади. Дастлабки учрашувдан фарқли ўлароқ тўпни бошқариш бўйича терма жамоамиз ўйинида бу сафар бироз жонланиш сезилган бўлса-да, ҳамюртларимиз жуда кўп марта хатоликларга йўл қўйишди. Натижада хавфли вазиятлар деярли фақат бир дарвоза олдида содир бўлди. Дарвозабонимиз Павел Бугало ҳам қанотлардан оширилган тўплар йўлига чиқишда олдингидек ишончли ўйнамади. Умуман олганда, японияликларнинг жисмоний, техник жиҳатдан тайёргарлиги юқори даражада эканлиги учрашувда яққол кўзга ташланди. Бу ўз навбатида уларнинг йирик ҳисобда (4:0) ғалаба қозонишига олиб келди. Шу куни ўтказилган иккинчи учрашувда хитойлик футболчилар сурияликлардан 3:0 ҳисобида устун келишди. Демак, терма жамоамиз сўнгги учрашувда камида дурангга эришсагина кейинги босқичга йўлланма олиши мумкин. Терма жамоамиз 12 декабрь куни Сурия терма жамоасига қарши майдонга чиқади.

**Р. ЭРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

◆ Осиё кубоги ◆ Футбол ◆ Осиё кубоги ◆ Футбол ◆ Осиё кубоги ◆ Футбол ◆ Осиё кубоги ◆ Футбол ◆

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛАРИНИ ТАРБИЯЛАЁТГАН БИЛИМ ЮРТИ

Жаҳон тажрибаларидан маълум бўлишича ва мутахассисларнинг эътироф этишича қараганда, кишилар қалбида Ватан туйғусини шакллантиришда спортнинг роли, аҳамияти, айниқса, кейинги даврда тобора ошиб бормоқда. Зеро, спорт туфайли жуда кўплаб мамлакатлар Ер юзи аҳолиси диққатини тортадиган бир «марказга» -- Олимпиада ва жаҳон миқёсидаги мусобақалар майдонига жамланмоқдаки, миллиардлар нигоҳи қадалган ана шу спорт майдонидаги беллашувлар моҳияти Ватан туйғуси бўлиб дунё халқлари, кишилар қалбига кўчмоқда. Бу туйғу жаҳон халқлари каби бизнинг беш ёшга тўлган мустақил Ўзбекистонимиз фуқаролари учун ҳам муқаддасдир.

Бу туйғуни шакллантиришда етук спортчиларнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

Етук спортчиларни тайёрлаб, камолга етказадиган республика Олимпия ўринбосарлари билим юртлари мамлакатимизда айни кунда бешта. Улар Тошкент шаҳрида, Самарқанд (2 та), Андижон ва Тошкент вилоятларида фаолият кўрсатаяпти. Уларда 1500 нафар спортчи камол топаяпти. Чирчиқ шаҳридаги республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти ўзининг мавқеи, кўплаб спортчиларни тайёрлаш борасида пойтахтимиздаги шундай билим юртидан сўнг иккинчи ўринда туради. Бу билим юртида спортнинг тўрт тури бўйича (бокс, дзюдо, велоспорт, эшкак эшиш) айни кунда республикамизнинг 11 та вилоятидан келган 152 нафар спортчи ўз маҳоратларини оширмоқда. Билим юртига ҳар йили июнь ойида танлов асосида тарбияланувчилар қабул қилинади. Улар асосан спорт усталари бўлиши керак. Чунки билим юртининг бош мақсади мамлакатимиз терма жамоасига номзодларни тарбиялаб беришдан иборат. Айни кунда бу ерда тарбияланаётганларнинг 64 нафари халқаро миқёсда республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган таниқли спортчилардир. Бу йил ёзда Атлантада ўтказилган Олимпиадада қатнашган терма жамоамиз аъзоларининг 12 нафари шу билим юртида тарбияланаётган ёки камол топган спортчилар эди.

-- Билим юртига 1978 йилда асос солинган, -- дейди ўқув маскани директори Эркин Юсупов. -- У фақат эшкак эшиш спорти бўйича Тошкент шаҳридаги республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти қошидаги спортинтернат сифатида очилганди. Спорт-интернат маориф тизимида фаолият кўрсатарди. 1986 йилда бокс, дзюдо бўлимларини ташкил этдик. 1989 йилда спорт-интернат Олимпия ўринбосарлари билим юртига айлантирилди ва республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тасарруфига ўтказилди. Айни кунда бу ерда беш нафар республикада хизмат кўрсатган тренер иш олиб боряпти. Жами 26 нафар мураббийларимизнинг аксарияти олий тоифали етук мутахассислар. Шунданми, республикамизнинг турли вилоятларидан истеъдодли спортчилар айнан бизнинг билим юртга келиб таҳсил олишга интилишади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бизда танлов ҳам катта бўлади. Афсуски, бизга ажратилган ўрин камлиги туфайли кўплаб истеъдодларни қабул қилиш имкониятимиз йўқ. Рақобат бор жойда спорт ривожида катта роль ўйнайдиган азарт пайдо бўлади. Бу ўз навбатида спортчиларнинг ўз маҳоратларини ошириш устида кўпроқ ишлашларига олиб келади. Билим юртларини очиш учун кўп маблағ талаб этилмайди. Чунки кўплаб вилоятларимизда, айниқса, Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Фарғонада бунга старлича шарт-шароитлар мавжуд. Қолаверса, билим юртларининг очилиши ана шу мавжуд шарт-шароитлар, спорт масканлари, стадионлардан янада унумли фойдаланишга олиб келади. Спорт иншоотларидан унумли фойдаланмас эканмиз, бу масканларда кўплаб истеъдодли, машҳур спортчиларни тарбияламас эканмиз, у иншоотлар қуруқ ҳайбати, салобати билан кимга ҳам керак? Соғлом турмуш тарзини аҳолига кенг, фаол тарғиб этиш борасида ҳам айнан жаҳон миқёсидаги машҳур спортчиларни тарбиялаш орқалигина аниқ мақсадларга эришиш мумкин. Юртимиздаги кўпгина мутахассислар ҳам шундай фикрда. Республикамизда маҳоратли спортчиларни тайёрловчи янги билим юртларини очишга киришилса, уни уюштириш, ташкиллаштириш ва кадрлар билан таъминлаш ишларига жон-дилим билан киришган бўлардим. Халқаро миқёсда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган, мамлакатимиз нуфузини оширадиган маҳоратли спортчиларни тарбиялаш ишига киришилар экан, ким ҳам бу эзгу мақсаддан ўзини четга олади?

*Ю. Янкина*

*Е. Зайцева*

Биз, шунингдек, Чирчиқ республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти ҳаёти ва фаолияти, бу ерда иш олиб бораётган мутахассисларнинг тажрибалари, фикри, орзу-ўйлари билан яқиндан танишиш мақсадида уларни суҳбатга чорладик. Дзюдо бўйича мураббий Н. Қўлдошев, бокс бўйича мураббий С. Белов, қураш бўйича бош мураббий С. Мурдосилов, эшкак эшиш бўйича мураббий М. Мисрбеков ва бошқалар мавжуд шарт-шароитлардан, қулайликлардан нолишмаслигини, барча билим, тажрибаларини ёшларга ўргатиш учун имкониятлар яратилганлигини эътироф этишди. Билим юртида таҳсил олаётган спортчиларнинг машғулотлар ўтказиши, республика ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиши учун қўмаклашаётган ҳомийлари ва, айниқса, Чирчиқ шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаевнинг катта ёрдам бераётганидан мамнун эканликларини биллиришди. Ана шу моддий ва маънавий кўмак туфайли билим юртининг бир қатор тарбияланувчилари халқаро миқёсдаги мусобақаларда юксак марраларни эгаллаган. Жумладан, Наримон Отаев бокс бўйича жаҳон кубоги соҳиби, Улуғбек Иброҳимов Осиё чемпионати ва бир қатор халқаро турнирлар совриндори, дзюдочилар -- Юлия Янкина, Екатерина Зайцева, Елена Тулупова, Шоира Тошпўлатова, Олия Корникова, Дмитрий Соловьев, Камол Муродов, Алишер Мухторов, Владимир Шмаков, Темур Муҳаммадхонов, Андрей Штурбабин жаҳон ва Осиё чемпионлари, халқаро турнирларнинг турли медаллари соҳиби бўлишган. Байдаркачи Иван Киреевнинг Осиё ўйинларининг учта «олтин», битта «кумуш» медалини қўлга киритганлигини эса юртимиз спортсеварлари яхши эслашадаи. Киреев ҳам шу билим юртида таҳсил олган. Шунингдек, Осиё ўйинларининг совриндорлари бўлишган Ирина Лялина, Владимир Казанцев ҳам Чирчиқда ўз маҳоратларини оширишган. Спорт мухлисларига яхши таниш бўлган номлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Лекин бизнинг мақсадимиз билим юртида таҳсил олган машҳур спортчиларнинг соврин олганлигини санаб ўтиш эмас. Биз мураббийлар билан суҳбатда уларни қандай муаммолар ўйлантираётганлигини сўраганимизда, баъзилари машғулотлар ўтказиш майдони, база Чирчиқ шаҳрининг нариги чеккасида, билим юрти эса шаҳарнинг бериги чеккасида жойлашганлигини, тарбияланувчиларнинг ҳар куни бориб-келишига кетадиган харажатлар учун қандайдир имтиёз берилса, мақсада мувофиқ бўлишини айтишди ва шу каби жузъий муаммолардан нарига ўтишмади. Лекин ўнлаб жаҳон чемпионлари ва совриндорларини тарбиялаган билим юртининг бирорта ҳам спорт иншооти, машғулотлар ўтказиш базаси, майдони, бассейни ва ҳатто оддий спорт зали йўқлигини яширишди. Тўғри, билим юртининг ўқув биноси ёнида битта қураш, бокс машғулотлари ўтказиладиган ўз спорт зали бор экан. Бироқ у оддий талабларга ҳам жавоб бермайди. Қачонки, биз мураббийларга уларни ўйлантираётган муаммоларни газета саҳифасига олиб чиқмасликка ваъда бергачгина... улар «ёрилишди». Қизиқ, Чирчиқ Олимпия ўринбосарлари билим юрти стук спортчиларни тарбиялайдиган республикамиздаги бешта йириқ билим юртидан биттаси бўлса-ю, у ўз машғулотлар ўтказиш базасига эга бўлмаса ва бу ҳақда билим юрти раҳбарлари, мураббийлари лом-мим демаса. Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир қачонгача андишанинг отини қўрқоқ, деймиз. Республикамиз Президенти Ислом Каримов турли йиғилишларда, вилоятларнинг сессияларида сўзлаган нутқларида жон қойитиб кишиларни соғлом турмуш тарзи сари етаклаш учун биринчи навбатда спорт мактаблари ва билим юртларидаги аҳволни яхшилашни, уларнинг ҳар бири ўз машғулотлар ўтказиш майдонларига эга бўлиши кераклигини таъкидлаб турган бир пайтда нега биз масъулиятдан қочамиз, камчиликларимизни яширамиз? Тўғри, Чирчиқдаги республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти спортчиларни ўқув хоналарида тарбиялаётгани йўқ. Мураббийларнинг эътироф этишича, Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг ёрдами туфайли билим юрти тарбияланувчилари барча қулайликларга эга бўлган спорт масканларида бир кунда уч марта машғулотларда қатнашишяпти. Лекин бу машғулот масканларининг бирортаси билим юрти тасарруфида эмас.

*Л. Тулупова*

*Ш. Тошпўлатова*

Шундай муаммоларга қарамай, Чирчиқдаги республика Олимпия ўринбосарлари билим юрти стук спортчиларни камол тоттираётгани, мураббийларнинг ўз ишларига фидойи эканликлари бизни қувонтирди. Билим юртидан қайтар эканмиз, Вьетнамдан спортсеварларимизни тўлқинлантирадиган яна бир хушхабар олдик. Шу билим юртида таҳсил олган дзюдочи Владимир Шмаков Хошиминда ўтказилган Осиё чемпионатида барча рақибларини енгиб, чемпион бўлибди. Демак, Вьетнамда ҳам спортчимиз ғалабаси шарафига юртимиз байроғи кўтарилиб, Ватанимиз мадҳияси янгради. Чирчиқ шаҳридаги республика Олимпия ўринбосарлари билим юртида тарбия топган, эндиликда шу масканда мураббийлик қилаётган Дмитрий Соловьёвнинг қитъа чемпионатида мутлақ ғолиблик учун баҳсларда «бронза» медалини қўлга киритганлиги ҳақидаги хушхабар эса билим юртидагиларнинг бир қувончини икки қилди. Албатта, бу муваффақиятлар билим юртидагилар қатори қалбида Ватан туйғуси мужассам барча ҳамюртларимизни тўлқинлантиради ва юрт билан фахрланиш ҳиссини шакллантиради.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Маъруф ЖАЛИЛ -- 60 ёшда*

# ТЎКИЛМОҚДА СИРЛИ БИР ОҲАНГ

## НОҒАНИШ ЙЎЛЛАР

Йўллар мени чақирарди
безовта қилиб,
Йўллар мени тушларимда
олиб кетарди.
Йўллар мени чалғитарди
нораста билиб,
Қайга борсам, ҳамроҳ бўлиб
таъқиб этарди.

Гоҳи тикан кирса яланг
оёқларимга,
Тиканн йўқ сўқмоқларни
излардим бекор.
Энди фикран қайтиб ўша
сўқмоқларимга
Сигир ҳайдаб ўтганимни
кўраман такрор.

Бўйим ўсиб шу сўқмоқдан
мактабга бордим,
Унда сўзни ҳарфга бўлиб
ўргандим қайта.
Дангдай зеҳним шу булоқдан
тинмай суғордим,
Қадри арзон ўша бахтли
кунларим қайда?

Шу сўқмоқдан чиқиб кетдим
ҳаёт йўлига,
Чорлайверди сеҳр тўла
нотаниш йўллар.
Шу йўлларда югурдим бахт
истиқболига,
Бахтни олиб қолаверди янги
манзиллар.

Хаёлимдай узоқ йўллар очди
кўзимни,
Пайдо бўлди ўкинч каби
аччиқ ваҳима,
Поёни йўқ чўлла кўриб ёлғиз
ўзимни,
Ўйлаб қолдим: нима қилдим,
мақсадим нима?

Доромидим? Биров мени
йўлдан урдими,
Қўшниларим эркини кўп
кўрдиммми, нечун?
Дарёмидим? Рақибларим
тўғон қурдими,
Сўнг нур берган қудратимга
бўлдими мафтун?

Бахт туйғуси берган эди
қалбимга сурур,
Мен бахт излаб келиб
қолдим бу манзилларга.
Аммо бахтни қилган эдим
қандай тасаввур,
Бахт нимадир? Дуч келар у
қайси йўлларда?

Аниқ мақсад этагини тутмай
югурдим,
Гоҳо айри кетдим ҳамроҳ
йўловчилардан.
Чигал қисмат аро тўғри йўлга
ҳам кирдим,
Дилда ажиб хотиралар қолди
улардан.

Атрофимда очилмоқда алвон
лолалар,
Кўк осмондан тўкилмоқда
сирли бир оҳанг.
Осонгина улангандай узиқ
толалар,
Тағин рангсиз уфқларга
ёйилмоқда ранг.

* * *

Ҳаёт менга раво кўрган
йўллар беноён,
Беноёндир хаёлимнинг сомон
йўллари.
Ҳали дунё на бўстондир ва
на гулистон,
Ҳали қўйдир қалбларнинг ҳам
сахро, чўллари.

Ўз қалбимнинг сахросини
ўзлаштирмоққа
Чора топдим, аммо дўстлар,
енгил тошмадим.
Бўйимга мос бўй топдим-у,
Қўнгил бермоққа
Ўз кўнглимга ҳамоҳанг бир
кўнгил тошмадим.

Кўп ўйладим одамзодинг
паст-баландини,
Бир суҳбатда билиб олдим
баъзан бехато.
Гоҳ бахилдан ажратолмай
қолдим тантини,
Одамзодни тўлиқ билиш
осонмас асло.

Дўст сўзидан олам гулу
қўшиққа тўлиб,
Юрагингда янграб кетар
нурли садолар.
Аммо дўстим, у туйилмас
бахт куйи бўлиб,
Қароқчидай талаб кетса
йўлда хатолар.

## НЕГА ЯШАЯПМАН...

Нега яшаяман ёруғ дунёда?
Боболар йўлини
такрорлашгами?
Отамнинг чироғи ёнган
бинода
Ўзимга меросхўр
тайёрлашгами?

Ўзгалардан кўра кўп алам
чексам,
Баҳам кўрсам фақат шодлигим
ошкор.
Ишонч ва садоқат уруғин
эксам,
Сабаби «тириклик» эмасдир
зиҳқор.

## «ҚАЛДИРҒОЧ» ПАРВОЗИ

Хонобод шаҳрида «Қалдирғоч» дуторчи аёллар ансамбли ташкил этилди. Унинг бадиий раҳбари иккинчи гуруҳ ногирони Дилбархон Турсуновадир. Даста аъзолари ҳам болаликдан ёки меҳнат фаолияти мобайнида ногирон бўлган, лекин қалбида санъатга ҳавас доимо жўш уриб турган инсонлардир.

Янги бадиий ҳаваскорлик дастасининг Хонобод ҳамда вилоят марказида ўтказилган тадбирлардаги илк чиқишлари санъат шайдолари томонидан илиқ кутиб олинди.

# ҚОЗОҚ ДИЁРИДА ТЕМУР ЁДИ

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кўпни Қозоғистонда ҳам кенг нишонланди. Республика ҳукумати қарорига асосан. Алмати, Чимкент, Жамбул, Туркистон ва бошқа шаҳарларда буюк соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган маросимлар бўлиб ўтди.

Алматида Қозоғистон Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистондаги элчихонаси ҳамкорлигида «Амир Темурнинг Осиё тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди.

Қозоғистон Давлат марказий музейида эса «Амир Темур ҳукмронлигида Қозоғистон ўлкаси» мавзуида кўргазма намойиш этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги, тарихимиз, келажагимиз бирлиги ҳақида илиқ гаплар айтдилар. Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ривоят, ҳикоятлардан мисоллар келтирилди.

...Бир кеча Соҳибқирон туш кўрибди. Тушида: «Агар сен мусулмон давлатини бирлаштираман, десанг, Аҳмад Яссавийга мақбара қургин, чунки ўтмишни эслаганлар ҳеч қачон кам бўлмаган», -- деган овоз келибди.

Тантанада сўз олган Археология бўлими бошлиғи М. Нурпеисов бу ривоятни бекорга келтирмади. Чиндан ҳам, Соҳибқирон Аҳмад Яссавийга мақбара қурдирди. Шу мақбара, мана, олти асрдан буён жаҳоннинг турли бурчакларида яшаётган кишиларнинг зиёратоҳи, ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигининг рамзи бўлиб келяпти.

Нотиқ Амир Темурнинг Бибихоним жомъе масжиди, Гўри Амир, Занги Ота мақбараси, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий обидалар хусусида фикр юритди. Кўргазма қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўзининг дастлабки самараларини бераётганини таъкидлашди.

Кўргазманинг очилиши маросимида Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Н. Ёқубов қатнашиб, бундай маданий-маърифий тадбирлар халқларимиз жипслигига хизмат қилишини эътироф этиб ўтди.

Кўргазмада Амир Темур даври билан боғлиқ бўлган буюмлар, қуроллар, чинни идишлар ва бошқа тарихий ашёлар ўрин олган. Қозоғистон таъмирчилари тайёрлаган Аҳмад Яссавий мақбараси макети кўргазмада алоҳида ўрин тутади.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**
**СУРАТДА: кўргазма залида.**

UZDUNROBITA cellular
ЯНГИЛИК!!!
Уяли стационар телефон!!!
Нима учун биз айнан уни танлаймиз?
► У чаққон (мабильний) уяли телефонга нисбатан:
• Улаш учун тўланадиган ҳақ 2 баравар арзон
~~900 $~~ 450 $
• Фойдаланиш учун тўланадиган ҳақ 5 баравар арзон:
1 дақиқа эфир вақти - 7 цент (бир ойлиқ сўзлашув 400 минуттача бўлса, ундан ошса, 1 дақиқа учун 30 цент).
} ҳақ ЎзР МБ курси бўйича сўмда тўланади
• Ҳаракат доираси кенгайтирилган (70 км. гача), демак, вилоятда Тошкент шаҳар телефон рақамига эга бўлиш имкони бор.
► У офисни бир соатда телефонлаштириш, сифатли халқаро ва шаҳарлараро алоқани таъминлаш имконини беради - телефон кабели ётқазиш ва улаш учун навбат кутишнинг ҳожати йўқ.
► Офисдаги мини АТСга улаш чоғида ўз ходимларининг ҳамма иш жойларини шаҳар, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси билан таъминлаш кафолатланади.
► Факсимал аппарати, автожавоб, муҳофаза сигнализацияси, офис АТСни стандарт телефон бўлинмаси орқали улаш имконини беради.
► Офиснинг жойи ўзгарганда муаммо туғилмайди, негаки, телефон рақами сақланиб қолади, қайта ўрнатиш учун эса кўпи билан 2 соат вақт кетади.
► Қуйида кўрсатилаётган қувват олиш манбаларидан исталганини танлаб олиш мумкин:
✓ 220 В ўзгарувчан ток тармоғи
✓ 12 В ташқи ўзгармас ток манбаи
✓ ичига ўрнатилган батарея - 6 соатдан 10 соатгача автомат режимда ишлайди.
► Стационар телефон ўзгарувчан ток тармоғида кучланиш нотекис бўлган чоғда барқарор ишлайди.
► Стационар телефон - ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗ.
► Олинган аппаратни "Ўздунробита" ҚК мутахассислари ўрнатишади ва созлашади.
УЯЛИ ВА СИМ АЛОҚАЛАРИ СИФАТЛАРИ ЭНГ МАҚБУЛ ТАРЗДА УЙҒУНЛАШГАН!
Маълумот олиш учун телефон: 30-09-09.
"Ўздунробита" ҚК.

Корхоналар раҳбарлари ва тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!
ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИГИНГИЗДАН КЎНГЛИНГИЗ ТЎЛМАЯПТИМИ?
Марҳамат, сотиб олинг!
Асбокартон
Паронит
Асбес кукуни (асбопорошок)
Асбомато (асботкань)
Сальникларни маҳкамлаш учун
иплар (НАБИВКИ)
Шланглар (рукава)
Ключлар тўплами
Асбошнур
Клин ва вентилятор тасмалари 0-530-900, А-710-2240, Б/В-630-5600, Д-6300, С-4000, Е-10000
Мурожаат учун тел: 93-32-13; 93-17-68
соат 9.00 дан – 17.00 гача.
42-93-45; 78-86-64
соат 19.00 дан – 21.00 гача.

ТОШКЕНТ САВДО • САНОАТ ЯРМАРКАСИ
16 декабрдан 21 декабргача
Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси
ўзбек ва хорижий фирмаларни, корхоналаларни
II Тошкент савдо-саноат ярмаркасига
таклиф этадилар.
Ўзбекистон Республикаси Рассомлар уюшмасининг "Хамар" халқаро алоқалар марказида (Ш. Рашидов кўчаси, 40)
16 декабрдан 21 декабргача
Биз Сизни ярмаркамизда кўришдан ғоят хурсандмиз.
Ярмаркада қатнашиш масаласида дирекцияга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент ш., Госпитал массиви, 12.
Тел.: (3712) 54-04-87, 55-56-33.
Факс (3712) 55-15-57

Кўптармоқли Демидов бозори
ташкилот, корхона ва хусусий тадбиркорлардан
сабзавот ва мевалар
харид килади
Ҳажми - ҳафтада 80 тоннагача.
Телефонлар:
Тошкентда: (3712) 79-48-10.
Екатеринбургда: (3432) 46-52-93, 46-52-95.

*(Газетанинг навбатдаги сони 13 декабрь, жума куни чиқади).*

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти жамоаси Ердан фойдаланиш кафедраси мудири, доцент А. Бобожоновга онаси
**Розия КАРИМОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри жамоаси театр артисти, Ўзбекистон халқ артисти Бахтиёр Ихтиёровга онаси
**Зухра ИХТИЁРОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Н. А. Семашко номидаги илмий-текшириш институти жамоаси институт директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Карим Йулдошевга ўғли, тиббиёт фанлари номзоди
**Акмал ЙЎЛДОШЕВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Н. А. Семашко номидаги илмий-текшириш институти жамоаси институтнинг функционал диагностика бўлими раҳбари Сайёра Йулдошевага ўғли, тиббиёт фанлари номзоди
**Акмал ЙЎЛДОШЕВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси олийгоҳ «Маънавият ва маърифат» маркази бошлиғи, профессор Ф. Зикриллаевга қизи
**НОЗИРАХОНнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми жамоаси тиббиёт фанлари бўлими раиси, академик Карим Йулдошевга ўғли
**Акмал ЙЎЛДОШЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.
БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Мерос ва қадриятлар 36-29-89; Қишлоқ хўжалиги 36-07-94; Иқтисодиёт 36-36-65; Маънавият 36-35-60; Тунги муҳарририят 33-10-28. Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60
МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир —И. Ўтбосаров. Навбатчи —Ғ.Юсупов. Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0711 35460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00 Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.50. 123456